

«IST TELEKOM» МЧЖ ҚҚнинг Ягона оммавий офертасига 1-Илова

маълумотларни юбориш хизматларини тақдим қилиш учун ОММАВИЙ ОФЕРТА (ТАКЛИФ)

Матнда кейинги ўринларда **Оператор** деб юритилувчи, Устав ва 2020 йил 31 мартда берилган АА №0008087-сонли Лицензия асосида маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш ишлари билан шуғулланувчи «**IST TELEKOM**» МЧЖ ҚҚ ушбу ҳужжат орқали мазкур офертани жисмоний шахслар (қабул қилувчи – акцептлар) га куйидаги шартларда тақдим қилади.

Ушбу Оммавий оферта Операторнинг Интернет тармоғидаги www.etc.uz ва www.tps.uz манзилларида жойлашган расмий вебсайтларида жойлаштирилган пайдан эътиборан кучга киради ва мазкур вебсайтларда уни бекор қилиш тўғрисидаги расмий хабар жойлаштирилгунга қадар амал қилади.

Оператор ушбу Оммавий оферта билан белгиланган тартибда Оммавий оферта шартларига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Оператор мазкур Шартномани тузаётганда Абонент шахсий компьютерда ишлаш учун зарур бўлган барча кўникмаларга, шунингдек, Интернет тармоғида ишлаш кўникмаларига эга деган фаразга таянади.

1.2. Ушбу Оммавий офертада куйидаги атамалар қўлланилади:

«**Абонент**» – хизматлардан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз, фақат шахсий мақсадларда фойдаланувчи, ушбу мақсадлар учун ноёб аутентификация маълумотлари ажратиб кўрсатилган ҳолда бундай хизматларни кўрсатиш тўғрисида Шартнома тузилган жисмоний шахс;

«**Абонент қурилмаси, терминал қурилмалар**» – Абонентнинг манзилида жойлашган алоқа линиялари (компьютер, тармоқ кабели ва бошқалар) орқали сигналларни узатиш ва/ёки қабул қилишга мўлжалланган техник воситалар;

«**Авторизация**» – Оператор серверида Абонент томонидан киритилган Аутентификация маълумотларини таҳлил қилиш жараёни, унинг натижаларига қараб, Абонентнинг хизматни қабул қилиши ёки Шахсий кабинетга кириш ҳуқуқига эга эканлигини белгиланади.

«**Аутентификацион маълумотлар**» – Интернет тармоғидан Шахсий кабинетга кириш ва/ёки тегишли хизматдан фойдаланиш учун қўлланиладиган Абонентнинг ноёб фойдаланувчи номи (login) ва пароли (password).

«**Шахсий ҳисобварағи баланси**» – муайян вақтнинг ўзида икки хил пул маблағлари суммаси ўртасидаги фарқ. Биринчи сумма шу вақтгача Шахсий ҳисобварағига киритилган пул маблағларидан иборат бўлса; иккинчи сумма шу вақтгача Шахсий ҳисобварағидан ечиб олинган пул маблағларидан иборат бўлади.

«**Шахсий ҳисобварағига пул маблағларини киритиш**» – Абонент томонидан Операторнинг ҳисоб рақамига Шахсий ҳисобварағи кўрсатилган ҳолда ўтказилган аванс тўлови. Тўловни Операторнинг кассасига нақд пул маблағларини топшириш ёки электрон тўлов тизимлари (PayMe, Paynet, Click, M-bank, UPay, Paycom, Kapitlbank ва бошқалар) ёрдамида амалга ошириш мумкин.

«**Операторнинг масъулият соҳаси**» – Операторга тегишли бўлган ёки унинг бошқаруви остида бўлган техник воситалар ва телекоммуникация каналлари.

«**Интернет**» – бу кўп сонли турли одамлар ва ташкилотларга тегишли бўлган компьютер тармоқлари ва ахборот ресурсларининг глобал ихтиёрий, мустақил бирлашмаси.

«**Шахсий ҳисобварағи**» – Абонентнинг аванс тўловлари ва ушбу тўловлардан хизматлар учун тўлов сифатида ушлаб қолинган (ечиб олинган) пул маблағлари суммалари қайд қилинадиган ҳисобварақ. Шахсий ҳисобварақ ноёб бўлиб, Операторнинг маълумотлар базасида жойлашган бўлади, хизматлар кўрсатишнинг бутун даври давомида доимий хусусиятга эга бўлиб, маблағларнинг келиб тушиши ва уларнинг сарфланиши тўғрисидаги маълумотларнинг ҳисобини акс эттиради. Шахсий ҳисобварағи саҳифаси Шахсий кабинетнинг функционал варианты саналади ва хизматнинг расмий вебсайтидаги Шахсий кабинет бўлимида жойлашган.

«**Шахсий кабинет**» – Оператор кўрсатадиган хизматнинг расмий веб-сайтида олинган Хизматлар ҳажми ва Шахсий ҳисобварақнинг жорий ҳолати тўғрисидаги статистик маълумотларни ўз ичига олган веб-саҳифа. Бунда, Шахсий кабинетда акс этирилган маълумотлар фақат маълумот учун мўлжалланган бўлиб, Операторнинг молиявий тизимларидаги маълумотлардан фарқ қилиши мумкин. Бундан ташқари, ушбу саҳифада Абонент муайян хизматларга обуна бўлиши, уларни рад этиш функциялари амалга оширилиши мумкин.

«**Ҳисобот ойи**» – Абонент томонидан танланган тариф режаси шартларига мувофиқ, ушбу хизматга мос келадиган, Абонентнинг муайян тўловларига мувофиқлаштирилган маълум бир хизмат кўрсатиладиган календарь ойи.

«**Хизматнинг расмий вебсайти**» – Операторнинг www.etc.uz ва www.tps.uz веб манзилларида жойлашган телекоммуникация тармоғидаги ахборот ресурси.

«**Оператор**» – тегишли лицензиялар асосида телекоммуникация тармоқлари (маълумотларни узатиш тармоқлари ва телекоммуникация тармоқлари) хизматларини кўрсатувчи «**IST TELEKOM**» МЧЖ ҚҚ;

«**Оммавий оферта**» – www.etc.uz ва www.tps.uz манзилларида жойлашган Операторнинг расмий веб-сайти орқали тармоқда нашр қилинган, Абонент томонидан Абонент ва Оператор ўртасида «**IST TELEKOM**» МЧЖ ҚҚнинг оммавий офертасига “Телекоммуникация хизматларини кўрсатишга буюртма/акцепт”ни имзолаш орқали тузиладиган, матнда кейинги ўринларда “Шартнома” деб юритиладиган мазкур ҳужжат.

«**Абонент трафиғи**» – абонентнинг ускунаси (кирувчи трафик) томонидан Интернет тармоғидан олинган ва абонент ускунаси (чиқиш трафиғи) дан Операторнинг тармоғи орқали Интернет тармоғига узатилган ҳар қандай маълумотлар тўплами йиғиндиси;

«**Хизмат**» – маълумотларни узатиш тармоқлари, шу жумладан Интернет хизматларини улаш ва тақдим этиш, шунингдек, ушбу хизматларни олиш учун бажарилиши лозим бўлган хатти-ҳаракатлар.

«**Офертани қабул қилиш (акцепт)**» – матнда кейинги ўринларда “Абонент розилиғи” (1-Илова) деб юритиладиган, Абонент томонидан «**IST TELEKOM**» МЧЖ ҚҚнинг оммавий оферта шартларига телекоммуникация хизматларини кўрсатишга буюртма/акцептни имзолаш орқали офертани тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиш.

2. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.1. Оператор Абонентга маълумотларни узатиш тармоғи хизматлари, шу жумладан Интернет тармоғига кириш хизматини таъминлайди, Абонент эса ушбу Шартнома шартларига мувофиқ, хизматлардан фойдаланади ва кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда, Хизматнинг расмий вебсайтида кўрсатилган тарифлар бўйича тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2.2. Шартнома доирасида, зарурат бўлган тақдирда, Оператор Абонентга унинг сўровига биноан, Оммавий оферта ва унга иловаларда кўрсатилган, Хизматнинг расмий вебсайтида санаб ўтилган ва унда эълон қилинган тарифларга мувофиқ тарифланадиган қўшимча хизматларни тақдим этиш ҳуқуқига эга.

2.3. Ушбу Шартнома бўйича хизматларни кўрсатиш муддати давомида Оператор, Абонентнинг ўзида зарур шахсий ускунаси бўлмаган тақдирда, Оператор Хизматга уланиш учун ишчи ҳолатда бўлган телекоммуникация ускунасини Абонентга вақтинчалик фойдаланиш учун топшириш ва/ёки сотиш эҳтимолини кўриб чиқиши мумкин. Вақтинчалик фойдаланишга топширилган тақдирда, Шартнома бекор қилинган пайтда, Оператордан ускунани олган Абонент Шартнома бекор қилинган пайтдан бошлаб, олинган ускунани Операторга, табиий эскиришни ҳисобга олган ҳолда, қайси ҳолатда қабул қилган бўлса, шундай ҳолатда қайтариши шарт.

2.4. Абонентнинг ўзида FTTB, GPON ва ADSL технологиялари бўйича «Оператор»нинг Хизматларидан тўлиқ фойдаланиш учун яроқли бўлган шахсий телекоммуникация ускунаси бўлган тақдирда, 2.3-банд ўз кучини йўқотади.

2.6. Абонент томонидан «Абонент розилиги»ни имзолаш факти (1-Илова) Абонент томонидан Шартнома шартлари ва Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган, унга барча Иловаларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиши деб саналади (Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 370-моддаси).

3. ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Абонентни Хизматга улаш муддати ушбу Шартноманинг 4.3. ва 4.4. бандлари шартларига мувофиқ, уланиш учун тўлов ва биринчи ой учун абонентлик тўлови амалга оширилган пайтдан бошлаб, 5 (беш) иш кунидан ошмаслиги лозим.

3.2. Абонент Хизматни улаш бўйича техник ишлар тугаган пайтдан бошлаб, 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай тармоқда авторизация қилиши керак. Абонентни авторизация қилиш тармоққа уланиш пайтида Абонентнинг шахсий Аутентификация маълумотларини киритиш орқали амалга оширилади.

3.3. Абонентнинг хизматга уланиши (хизмат кўрсатишнинг бошланиши) пайти деб Абонентнинг биринчи муваффақиятли Авторизацияси вақти ҳисобланади.

3.4. Абонентнинг Хизматлардан фойдаланишни ҳақиқатда бошлаган санаси Операторнинг тармоғида ўрнатилган уланишларни ёки харажатларни ҳисобга олиш ускунаси (биллинг) нинг дастурий назорати маълумотлари асосида, Оператор томонидан белгиланади. Абонентга Хизматларни тақдим этиш факти Операторнинг харажатларни ҳисобга олиш (биллинг) ускунасининг маълумотлари билан тасдиқланади.

3.5. Абонентнинг идентификацияси ҳамда Хизматлар ва Шахсий кабинетга кириши Абонентнинг шахсий аутентификация маълумотлари ёрдамида амалга оширилади. Бир вақтнинг ўзида битта логин билан фақат битта уланиш ўрнатилиши мумкин.

3.6. Абонентнинг шахсий Аутентификация маълумотлари Абонентга Операторнинг офисида берилади. Абонентга тайинланган Login ўзгартирилмайди. Абонент шахсий кабинетда биринчи марта муваффақиятли авторизация қилинган пайтдан бошлаб, 24 соат ичида бошланғич парол (password) ни ўзгартириш мажбуриятини олади.

3.7. Ўз хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан, Операторнинг ходимларига Абонент тўғрисида маълум бўлган маълумотлар шахсий маълумотлар саналиб, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳимоя қилиниши лозим. Абонент тўғрисидаги маълумотларга қуйидагилар қиради: Абонент – жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; Абонентнинг манзили ёки Абонентлик ускунаси ўрнатиладиган манзил, тахаллус, алоқа учун телефон рақамлари, абонентлик қурилмасининг MAC-манзили ҳамда Абонент ва унинг Абонентлик ускунасини шубҳасиз идентификациялаш имконини берувчи бошқа маълумотлар. Телекоммуникация тармоқлари орқали узатиладиган ахборот оқимлари тўғрисидаги маълумотлар фақатгина уларни жўнатувчи шахслар (Операторнинг Абонентлари), уларнинг қонуний вакилларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда берилиши мумкин.

3.8. Шахсий маълумотларни қайта ишлаш – Абонентнинг шахсий маълумотларини тўплаш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, фойдаланиш, тақдим этиш, тарқатиш, узатиш, шахсизлаштириш ва йўқ қилиш бўйича Операторнинг бир ёки қатор хатти-ҳаракатларининг амалга оширилиши. Ушбу Шартномани тузиш орқали Абонент Оператор томонидан ўзининг шахсий маълумотлари қайта ишланишига розилигини билдиради. Абонентнинг шахсий маълумотларини қайта ишлаш Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги № ЎРҚ-547-сонли “Шахсий маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни талаблари асосида амалга оширилади.

4. ХИЗМАТЛАР НАРХИ ВА ТЎЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

- 4.1. Хизматлар олдиндан тўлов киритиш (матнда кейинги ўринларда – “Олдиндан тўлов”) шартлари асосида тақдим этилади. Хизматлардан фойдаланишни бошлаган пайтдан бошлаб, Оператор Абонентнинг шахсий ҳисобварағидаги маблағлар ҳисоб-китобини юритади. Шахсий ҳисобварақдаги маблағлар Абонент томонидан фақатгина Операторнинг Хизматларини тўлаш учун ишлатилиши мумкин.
- 4.2. Хизматлар нархи ва тарификациялаш қоидалари ушбу Шартноманинг ажралмас қисми бўлган Оператор томонидан белгиланган тарифларга (матнда кейинги ўринларда – “Тарифлар”) мувофиқ белгиланади. Тарифлар Хизматнинг расмий вебсайтида жойлаштирилади.
- 4.3. Дастлабки тўлов Хизматга уланиш учун тўлов ва амалдаги тарифларга мувофиқ танланган хизматлардан фойдаланганлик учун ойлик Абонент тўловини ўз ичига олади ҳамда Абонентнинг шахсий ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан тўлиқ ҳажмда тўланади.
- 4.4. Биринчи ой учун абонентлик тўлови Хизматдан фойдаланган кундан бошлаб ой охиригача қолган календар кунларнинг ҳақиқий сонидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.
- 4.5. Абонент ўзининг Шахсий ҳисобварағидан Операторнинг қўшимча хизматларига буюртма бериши ва уларни тўлаши мумкин. Қўшимча хизматларнинг таркиби, нархи ва уларни тақдим этишнинг тартиби тўғрисидаги маълумотлар Оператор томонидан расмий вебсайтда эълон қилинади. Абонент томонидан қўшимча хизматдан фойдаланишни бошлаш факти деб Абонентнинг уни тақдим этиш шартлари ва унга белгиланган тарифларга розилиги ҳамда хизмат учун ҳақ тўлаши саналади.
- 4.6. Оператор томонидан Абонентнинг шахсий ҳисобварағидан маблағларни ечиб олиш қуйидагича амалга оширилади:
- 4.6.1. Жорий ой учун абонент тўловини ечиб олиш ойга бир марта, ойнинг 1-санасида 100% олдиндан тўлов шаклида амалга оширилади.
- 4.6.2. Тариф чегарасидан ташқарига чиқадиган трафикдан фойдаланганлик учун маблағларни ечиб олиш (лимитдан ташқари трафик) лимитдан ортқича трафикдан фойдаланиш факти асосида амалга оширилади.
- 4.6.3. Қўшимча хизматлар (Интернет-пакетлар ва бошқалар) учун маблағларни ечиб олиш 100% олдиндан тўлов шаклида хизматга буюртма бериш пайтида бир марталик тўлов кўринишида амалга оширилади.
- 4.7. Хизматлар Абонентга фақатгина Шахсий ҳисобварақнинг мусбат баланси ҳолатида тақдим этилади. Абонентнинг баланси нолга тенг бўлган тақдирда ёки абонент тўловини ечиб олиш учун етарли бўлмаганда, Хизматни кўрсатиш автоматик равишда тўхтатилади. Хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этиш Шахсий ҳисобварақдаги баланс хизматдан фойдаланишни давом эттириш учун етарли бўлган миқдоргача тўлдирилганидан кейин қайта тикланади.
- 4.8. Агар Абонент хизмат кўрсатиш тўхтатилган ойдан кейинги бир календар ой ичида шахсий ҳисобварағидаги балансни хизматдан фойдаланишни давом эттириш учун етарли бўлган миқдоргача тўлдирмаса, Оператор Шартномани бир томонлама бекор қилиш, Абонентни тармоқдан ўчириб қўйиш ва Абонентнинг телефон рақами ёки FTTB портининг ўзаро уланишини бекор қилишга ҳақли.
- 4.9. Оператор амалдаги тарифларга ўзгартиришлар киритилгани ва янгилари жорий этилганлиги тўғрисида Абонентларни ўзгартиришлар кучга киришидан камида 10 кун олдин хизматнинг расмий вебсайтига маълумотларни жойлаштириш орқали хабардор қилади.
- 4.10. Хизматлар учун тарифлар миллий валюта (СЎМ) да кўрсатилган бўлиб, тўлов қилинадиган вақтда амал қилувчи барча солиқ ва йиғимларни ўз ичига олади. Тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси (СЎМ) да амалга оширилади.
- 4.11. Оператор ушбу Шартноманинг 5.2.4-бандига мувофиқ, Тарифларни бир томонлама ўзгартиришга ҳақли.

4.12. Тариф режасида белгиланган трафик лимитидан ошиб кетган тақдирда, Абонент кўрсатилган режа тарифларига мувофиқ, лимитдан ошиб кетган ҳар бир 1 Мбайт трафик учун тўловни амалга оширади. Тариф режасида белгиланган дақиқалар лимитидан ошиб кетган тақдирда, Абонент кўрсатилган режа тарифларига мувофиқ, лимитдан ошиб кетган суҳбатнинг ҳар бир дақиқаси учун тўловни амалга оширади.

4.13. Оператор лимитдан ташқари трафикнинг тарификациясини абонент трафигининг ҳисоб-китоб даврида устун бўлган йўналиши (кирувчи ёки чикувчи) ҳажмига кўра амалга ошириш ҳуқуқига эга. Агар ҳисобот даврида абонентнинг чикувчи трафиги устунлик қилса, Оператор ушбу даврда тарификацияни чикувчи трафик бўйича амалга ошириш ҳуқуқига эга.

4.14. Абонент томонидан танланган тариф режасида белгиланган трафик лимитига етганидан сўнг, Абонентнинг хизматдан фойдаланиши унинг Шахсий ҳисобварағида мусбат баланс мавжуд бўлган тақдирдагина таъминланади.

4.15. Абонент томонидан лимитдан ташқари трафик учун киритилган тўлов ва ойнинг охири кунида уни истеъмол қилишнинг ҳақиқий суммаси ўртасидаги мусбат қолдиқ кейинги ой учун ойлик Абонент тўловини тўлаш ҳисобига ўтказилади.

4.16. Абонент томонидан ҳисобот ойда Ойлик Абонент тўловига киритилган трафикнинг фойдаланилмаган ҳажми, агар бундай имконият тариф режаси шартларида назарда тутилмаган бўлса, кейинги ойга ўтказилмайди.

4.17. Шартнома бекор қилинган тақдирда Абонент, ушбу Шартноманинг 4.8-бандига биноан, амалдаги тарифларга мувофиқ, хизматга қайта уланиш нархини тўлаш шarti билан, Операторнинг кассасига ёки тўловларни қабул қилишнинг электрон тизимларига керакли миқдорда пул маблағларини ўтказиш йўли билан, Шартномани қайта тузиши мумкин.

4.18. Абонентнинг Операторга ушбу Шартноманинг 11.3-бандида назарда тутилган тартибда тақдим этилган аризасига биноан Шартнома бекор қилинган тақдирда, Абонентга Шартноманинг 11.4-бандида белгиланган тартибда бекор қилинган санада шахсий ҳисобварақда қолган пул маблағлари қайтарилиши лозим, Абонент Шартномани бекор қилиш тўғрисида ариза берган ой учун ойлик Абонент тўлови бундан мустасно.

4.19. Агар бирор бир сабабга кўра, Абонент хизматдан фойдаланишда танаффус қилишга қарор қилса, бунда мазкур танаффус муддати давомида ойлик Абонент тўлови амалга оширилмаса, у қўшимча банд қилиш хизматини танлаши лозим (Хизматдан фойдаланиш имкониятини блоклаш ва Абонентга унинг Операторнинг ҳисобга олиш, порт ва ўзаро уланиш тизимида Абонентнинг реквизитларини унинг номига банд қилиш).

4.19.1. Банд қилиш муддати кетма-кет уч ойгача бўлиши мумкин.

4.19.2. Қўшимча банд қилиш хизматининг нархи амалдаги тарифларда кўрсатилган, тўлов Абонентнинг шахсий ҳисобварағига керакли миқдордаги пул маблағларини киритиш орқали амалга оширилади.

4.20. Тариф режасини ўзгартириш Оператор офисига ёзма ариза билан мурожаат қилиш ёки жорий ой тугашига 2 (икки) иш куни қолганда, Шахсий кабинетда ариза бериш орқали амалга оширилади. Абонентнинг тариф режаси кейинги ойнинг 1 (Биринчи) санасида ўзгартирилади.

4.21. Агар бирор бир сабабга кўра, Абонент хизматларни тақдим этишни бошқа жойлашув манзилига (бошқа манзилга) кўчирмоқчи бўлса, у ҳолда зарур ҳужжатлар тўпламини тақдим этган ҳолда, хизматни кўчириш учун ёзма ариза билан Операторнинг офисига мурожаат қилиши керак.

4.21.1. Хизматни кўчириш Томонлар томонидан аввалроқ Абонент томонидан имзоланган “Абонент розилиги”га қўшимча шартномани имзолаш орқали расмийлаштирилади.

4.21.2. Қўшимча кўчириш хизматининг нархи амалдаги тарифларда кўрсатилади. Тўлов Абонентнинг Шахсий ҳисобварағига керакли миқдордаги пул маблағларини киритиш йўли билан амалга оширилади.

4.21.3. Қўшимча кўчириш хизмати Томонлар қўшимча шартнома имзолаган пайтан бошлаб, 10 (ўн) иш куни ичида янги уланиш манзилида зарур ҳужжатлар тўпламини тақдим этган ҳолда тақдим этилади.

4.22. Реклама акциялари давомида Абонентга тақдим этилган ва Оператордан бонуслар кўринишида кўшилган барча суммалар фақат Хизматлар учун тўловни амалга ошириш учун сарфланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда тўланмайди.

4.23. Агар ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5 (беш) календар куни ўтганидан сўнг, Абонент ҳисобот ойда кўрсатилган хизматларнинг ҳажми ва сифати юзасидан асосланган даъвои ёзма равишда тақдим қилмаган бўлса, Хизмат тегишли тарзда тақдим этилган деб ҳисобланади.

4.24. Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматларга ҚҚС суммаси киритилган.

5. ОПЕРАТОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Операторнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

5.1.1. Абонентга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрий ҳужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда, ушбу Шартномада кўрсатилган шартларга мувофиқ, Хизматларни тақдим этиш.

5.1.2. Абонентнинг аванс тўловларини ўз вақтида унинг Шахсий ҳисобварағига кўчириш.

5.1.3. Абонентга +99878 150 0000 (туну кун узлуксиз, ҳафтасига 7 кун) телефон рақами орқали техник қўллаб-қувватлаш хизматидан телефон орқали маслаҳат олиш имкониятини тақдим этиш. Консультациялар ҳажми Хизматларни тақдим этиш билан боғлиқ муайян масалалар билан чекланади.

5.1.4. Абонентга Шахсий кабинетга кириш имкониятини тақдим этиш. Хизматларни кўрсатиш тўхтатилган тақдирда, Шахсий кабинет Шартноманинг амал қилиш муддати давомида Интернет тармоғи орқали Абонент учун очиқ бўлиб қолади.

5.1.5. Абонент томонидан Хизматдан фойдаланиш тартиби ва у билан тузилган Шартноманинг бошқа шартлари тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш учун умум қабул қилинган техник ва ташкилий чораларни кўриш.

5.1.6. Абонентга, унинг сўровига биноан, ушбу Шартнома шартларига мувофиқ қўшимча хизматларни тақдим этиш;

5.1.7. Хизматларни кўрсатишнинг нормал режими бузилишига олиб келиши мумкин бўлган профилактик ва режали таъмирлаш ишларининг бошланиши ва ўтказилиш давомийлиги тўғрисида Абонентни хизматнинг расмий вебсайтида хабардор қилиш.

5.2. Оператор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

5.2.1. Абонент томонидан хизматлар учун Дастлабки тўлов ёки ойлик Абонент тўловини 100% олдиндан тўланмагунча, хизматларни тақдим этишни рад этиш;

5.2.2. Агар Абонентдан олинган зарур ҳужжатларда нотўғри маълумотлар келтирилган бўлса, Абонентга уланиш ва хизматларни кўрсатиш бўйича ишларни бажаришни бир томонлама рад этиш;

5.2.3. Қуйидаги ҳолларда Абонентга ушбу рад этиш тегишли равишда асосланиши шарти билан хизмат кўрсатишни рад этиш мумкин:

- 2020 йил 30 июн куни 3275-рақами остида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2020 йил 30 июндаги 208-мх-сон буйруғига Илова қилинган “Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидалари” да кўрсатилган мажбуриятларга риоя қилинмаса;

- қандайдир техник, жисмоний, топографик ёки бошқа табиий тўсиқлар туфайли Хизматларни тақдим этишнинг иложи бўлмаса;

5.2.4. Бир томонлама тартибда янги тарифларни жорий этиш ва амалдагиларини, уларни ўзгартиришдан камида 10 (Ўн) календар кун олдин, хизматнинг Расмий вебсайтида маълумот жойлаштириш орқали Абонентни олдиндан хабардор қилган ҳолда, ўзгартириш,

5.2.5. Қуйидаги ҳолларда Шартномани бир томонлама бекор қилган ҳолда, Абонентга хизматларни кўрсатишни тўхтатиш:

- Абонент томонидан ушбу Шартнома ва унга Иловаларнинг шартлари бузилганда;
- Абонентнинг Оператор тармоғида носозлик келиб чиқишига олиб келган ҳар қандай хатти-ҳаракатлари;
- тақдим қилинган хизматлардан ноқонуний ёки тижорат мақсадларида фойдаланиш;
- маҳаллий тармоқларни ташкил қилиш ва/ёки икки ёки ундан ортиқ компьютерларни ўзаро бир-бирига улаш орқали Хизматга уланиш йўли билан хизматдан тижорат мақсадларида фойдаланиш;
- жамоавий фойдаланиш пунктларини ташкил қилишда хизматдан фойдаланиш (“Интернет-клублар”, “Интернет-кафелар”, ҳар қандай ўқув-таълимий марказлар);
- Абонентнинг тармоқ ресурсларига рухсатсиз кириш имкониятини олишга қаратилган хатти-ҳаракатлари.

5.2.6. Тарқатилиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлган ҳар қандай маълумотларни узатишдан бош тортиш.

6. АБОНЕНТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Абонентнинг мажбуриятлари қуйидагича:

6.1.1. Операторнинг ҳисоб-китоб рақамига зарур аванс тўловларини ўз вақтида амалга оширган ҳолда, Шахсий ҳисобварағида мусбат балансни сақлаб туриш.

6.1.2. Абонент Хизматлардан фойдаланиш учун барча жавобгарликни ўз зиммасига олади. Абонент томонидан фойда олиш мақсадида Шартнома бўйича Хизматдан ҳар қандай тижорат мақсадларида фойдаланишга (Хизматни бошқа жисмоний ёки юридик шахсга қайта сотиш) йўл қўйилмайди.

6.1.3. Хизматни улаш бўйича техник ишлар тугатилган пайтдан бошлаб, 5 (беш) иш куни ичида Хизматни фаоллаштириш.

6.1.4. Хизматлардан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига риоя қилган ҳолда, учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузмаган ҳамда уларга зиён етказмаган ҳолда фойдаланиш.

6.1.5. Вақти-вақти билан (7 кун давомида камида бир марта) Хизматнинг расмий вебсайтида ўзгаришлар мавжудлигини текшириш.

6.2. Абонент қуйидаги ҳуқуқларга эга:

6.2.1. Тақдим этиладиган хизматлардан фойдаланиш билан боғлиқ саволлар туғилганда, Операторнинг консултатив ва техник қўллаб-қувватлаш хизматидан фойдаланиш.

6.2.2. Оператор вебсайтида истеъмолчи хусусиятлари ва кўрсатилаётган хизматлар сифати тўғрисидаги маълумотларни олиш.

6.2.3. Шахсий кабинетда кўрсатилган хизматлар ва Шахсий ҳисобварақдаги маблағлар қолдиғи тўғрисидаги маълумотларни олиш.

6.2.4. Шартномада белгиланган тартибда даъволар билан мурожаат қилиш.

7. ОПЕРАТОРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Оператор амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзининг Шартнома бўйича мажбуриятларини бажариш учун жавобгар саналади.

7.2. Оператор Операторга тегишли бўлмаган, Операторнинг бошқаруви остида бўлмаган ёхуд Операторга боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли рўй берган жиҳозларнинг ишдан чиқиши ва / ёки дастурий таъминотдаги носозликлар боис келиб чиққан Хизматни кўрсатишдаги узилишлар учун жавобгар бўлмайди.

7.3. Оператор тармоқнинг ишлаб туриши ва ривожланишини таъминлаш зарурати билан чақирилган ускуналар, дастурий таъминотни алмаштириш ёки бошқа ишлар билан боғлиқ хизматларни кўрсатишда тўлиқ ёки қисман узилишлар учун жавобгар бўлмайди.

7.4. Оператор Интернет тармоғининг алоҳида сегментлари ишлаши ва улардан фойдаланиш имконияти мавжудлиги учун жавобгар бўлмайди.

7.5. Оператор Интернет тармоғидаги Операторнинг масъулият доирасидан ташқарида жойлашган тугунлар ёки серверлар билан маълумот алмашиш имкониятини кафолатламайди.

7.6. Оператор хизматларни кўрсатишда қисқа муддатли (15 дақиқадан кўп бўлмаган) узилишлар учун жавобгар бўлмайди.

7.7. Оператор Абонентнинг Аутентификация маълумотларини киритиш пайтида учинчи шахслар томонидан содир этилган хатти-ҳаракатлар, шунингдек, уларнинг оқибатлари учун жавобгар бўлмайди.

7.8. Оператор Абонент томонидан Хизматдан фойдаланиш ёки фойдалана олмаслик натижасида, шу жумладан маълумотларни узатишда йўл қўйилган хатолар, камчиликлар, ишдаги узилишлар, функцияларнинг ўзгариши, нуқсонлар, ишда кечикишлар ва бошқа сабабларга кўра йўқотилган фойда, етказилган бевосита ёки билвосита зарар учун жавобгар бўлмайди.

7.9. Оператор шахар ва бошқа умумий фойдаланиш учун мўлжалланган алоқа тармоқларининг сифати, шунингдек, Операторнинг жавобгарлик ҳудудидан ташқарида жойлашган сабабларга кўра бевосита ёки билвосита содир бўлган Хизматларни кўрсатиш сифатининг ёмонлашиши ва / ёки ундаги узилишлар учун жавобгар бўлмайди.

7.10. Оператор Хизматлардан фойдаланишда Абонент томонидан олинадиган ва узатиладиган маълумотларнинг тўғрилиги ва мазмуни учун жавобгар саналмайди.

7.11. Оператор Абонент томонидан ошкор этилиши ёки Абонент томонидан ҳисоб маълумотлари ва бошқа маълумотларнинг йўқолиши муносабати билан Абонентга етказилган зиён учун жавобгар саналмайди.

7.12. Хизматларга кириш тўхтатилганда, Оператор учинчи шахсларни Абонентни Хизматларга кириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва бундай огоҳлантириш ёки унинг йўқлиги натижасида юзага келиши мумкин бўлган оқибатлар ҳақида хабардор қилиш ёки хабардор қилмаслик учун жавобгар эмас.

8. АБОНЕНТНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Абонент амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажариш учун жавобгар саналади.

8.2. Абонент Шартномага Иловаларда келтирилган Хизматлардан фойдаланиш қоидаларини бажариш учун жавобгар саналади.

8.3. Абонент Хизматлардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда йўл қўйилган барча хатти-ҳаракатлар, шунингдек уларнинг оқибатлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар саналади.

8.4. Абонент ўз Аутентификация маълумотларининг махфийлигини сақлаш ва учинчи шахслардан ҳимоя қилиш, шунингдек Аутентификация маълумотларини ошкор қилиш ва / ёки улардан руҳсатсиз фойдаланиш сабабли келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар учун тўлиқ жавобгар саналади.

8.5. Абонент Хизматдан фойдаланиш жараёнида унга тақдим қилинган материаллар, товар ва хизматлардан фойдаланиш билан боғлиқ жавобгарлик ва хатарларни тўлиқ ўз зиммасига олади.

8.6. Абонент Хизматлардан фойдаланиш муносабати билан Абонент томонидан тақдим этиладиган маълумотларнинг мазмуни, ишончилиги ва қонунийлиги учун мустақил равишда жавоб беради.

9. ЕНГИБ БЎЛМАС КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

9.1. Томонлар, Шартнома бўйича мажбуриятларини бажармаслик (лозим даражада бажармаслик) лари форс-мажор ҳолатлари (табiiй офатлар, ёнгинлар, техноген авариялар ва фалокатлар, муҳандислик иншоотлари ва коммуникацияларидаги бахтсиз ҳодисалар, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг меъёрий ҳужжатлари, томонларнинг Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилувчи лицензияловчи орган ва бошқалар), яъни Шартнома тузилгандан сўнг пайдо бўлган ушбу шароитлардаги фавқулодда ва енгиб бўлмайдиган ҳолатлар туфайли келиб чиққан бўлса, Шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилинади.

9.2. Мажбуриятларини бажармаган Томон мажбуриятни бажариш муддати бошланганидан кейин юзага келган ҳолатларга мурожаат қилишга ҳақли эмас.

9.3. Шартноманинг 9.1-бандида назарда тутилган форс-мажор ҳолатлари таъсиридан зиён кўрган Оператор форс-мажор ҳолатлари юзага келган ва тугатилган пайтдан эътиборан 5 (беш) иш куни ичида улар юзага келганлиги ва, табiiйки, бундай ҳолатларнинг тугагани ҳақида Хизматнинг расмий вебсайтида маълумот жойлаштириши шарт.

9.4. Агар бошқа томон форс-мажор ҳолатларининг юзага келиши ва тугаганлиги тўғрисида хабардор қилинмаган бўлса, манфаатдор томон, бундай ҳолатларнинг юзага келиши бу ҳақда хабар беришга ҳам тўсқинлик қилган бўлмаса, уларни жавобгарликдан озод қилиш учун асос сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

9.5. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган тақдирда, ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати бундай ҳолатлар амалда қилиб турган вақтга мутаносиб равишда, ҳеч қандай йўқотишлар қопланмаслиги шарти билан ортга қолдирилади.

9.6. Агар Операторга зарар етказаётган форс-мажор ҳолатлари кетма-кет 30 (ўттиз) кундан ортиқ давом этса, Оператор вебсайтида тегишли эълонни жойлаштириш орқали Шартнома бўйича мажбуриятларини кўрсатилган асосларга кўра бажаришдан бош тортишга ҳақли. Бундай ҳолда, Шартнома Оператор эълонида кўрсатилган кундан бошлаб бекор қилинган ҳисобланади.

10. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Шартномани бажариш билан боғлиқ ҳар қандай низо ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Томонлар уларни Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширадилар.

10.2. Юзага келган низолар музокаралар йўли билан ҳал этилмаган тақдирда, улар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли судда ҳал қилиниши лозим.

10.3. Низоли муносабатларни ваколатли судда кўриб чиқиш учун мурожаат қилиш тартибидан олдин даъво аризаси юбориш орқали низоли муносабатларни судгача ҳал қилиш тартиби амалга оширилиши лозим.

10.4. Абонентнинг Хизматлар бўйича даъволарини тақдим этиш муддати Хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб бир ойни ташкил қилади. Ушбу муддат тугагандан кейин тақдим этилган даъволарни Оператор кўриб чиқмаслик ҳуқуқига эга.

10.4. Даъволар Томонлар томонидан бир-бирига қуйидаги тарзда етказилади:

10.4.1. Оператордан Абонентга – ёзма кўринишда факсимил алоқа ёки буюртма почта орқали жўнатилган хат ёрдамида.

10.4.2. Абонентдан Операторга – ёзма кўринишда факсимил алоқа ёки буюртма почта орқали жўнатилган хат ёрдамида.

10.5. Даъво аризасида шахсий ҳисоб рақами, Абонентнинг тўлиқ исми, шарифи, шунингдек, жавоб йўллаш учун унинг почта манзили кўрсатилган бўлиши лозим. Ушбу маълумотлар кўрсатилмаган тақдирда, Оператор даъвони кўриб чиқиш учун қабул қилишни рад этишга ҳақли.

10.6. Ёзма даъволарни кўриб чиқиш натижалари Абонент йўллаган даъво аризасининг асл нусхаси Оператор томонидан олинган кундан бошлаб бир ой ичида аризаچига ёзма равишда етказилади.

11. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, УНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

11.1. Ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати очиқ (муддатсиз) бўлиб, унинг барча шартлари томонлардан бири ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортгунига қадар амал қилади, бу ҳолда Шартнома бундай рад этилган пайтдан бошлаб бекор қилинган ҳисобланади.

11.2. Абонентнинг Хизматдан фойдаланишда давом этаётганда қўшимча хизматдан фойдаланишни рад этиши, Абонентнинг ёзма аризаси асосида Оператор томонидан қайд қилинади. Оператор томонидан шундай ариза олинган тақдирда, Абонентнинг қўшимча хизматга обунаси бекор қилинади. Оператор Абонентнинг ушбу аризасида кўрсатилган кундан бошлаб, ушбу қўшимча хизматни кўрсатишни ва қўшимча хизмат учун ҳақ олишни тўхтатади. Агар Абонент аризасида ушбу сана кўрсатилмаган бўлса, қўшимча хизматларни кўрсатиш ва қўшимча хизмат учун тўловни ундириш бундай ариза Абонентдан олинган кундан бошлаб 5 иш куни ичида амалга ошириладиган Абонентнинг рад жавоби қайд этилган кундан бошлаб тўхтатади.

11.3. Абонент Операторнинг офисига ариза берилаётган ой тугагунига қадар 10 (ўн) календар кундан кечиктирмай Шартномани бекор қилиш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилиб, Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

11.4. Абонентга пул маблағларини қайтариш Оператор томонидан Абонентнинг ёзма аризаси асосида, Абонентнинг банк картасига миллий валютадаги маблағларни кўчириш йўли билан амалга оширилади. Маблағларни қайтариш тўғрисидаги аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши шарт:

- Абонентнинг пластик картаси очилган банк номи;
- Банкнинг МФОси;
- Пул маблағларини кўчириш лозим бўлган банкнинг транзит ҳисоб рақами;
- Абонент пластик картасининг шахсий ҳисобварағи.

11.5. Оператор Шартнома шартларини ва/ёки унга Иловаларни ўзгартиришга, шу жумладан амалдаги тарифларни ўзгартиришга, Шартномага янги Иловаларни қўшишга, Абонентни Хизматнинг расмий вебсайтига ўзгартиришлар кучга киришидан камида 10 (Ўн) календар кун олдин эълон жойлаштириш орқали хабардор қилиш ҳуқуқига эга.

11.7. Хизматнинг расмий вебсайтида эълонни жойлаштириш факти, албатта, Оператор томонидан Абонентни хабардор қилиш мажбуриятини лозим даражада бажариш саналади.

11.8. Абонент Хизматнинг расмий вебсайтидаги ўзгаришлар киритилганлигини мунтазам равишда текшириш учун жавобгардир. Шартноманинг амалдаги қоидалари ва унинг Иловалари ўзгарганлиги тўғрисида хабар берилгандан кейин 10 (ўн) календар кундан кейин хизматлардан фойдаланишни давом эттириш ушбу қоидаларга сўзсиз риоя қилиш ва уларни қабул қилиш деб ҳисобланади.

12. БОШҚА ШАРТЛАР

12.1. Оператор қуйидаги ҳолатларда тегишли корхона, муассаса ёки ташкилотларга Абонент тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилишга ҳақли саналади:

12.1.1. Абонент пудратчи ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган Хизматлар ва / ёки улар ёрдамида Абонентга кейинчалик техник хизмат кўрсатиш учун уланиши ташкил этилганда;

12.1.2. Абонентнинг домен номлари рўйхатга олинганда;

12.1.3. Амалда қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

12.2. Абонент ҳар қандай муайян хизматдан фойдаланиш учун Аутентификация маълумотларини йўқотган тақдирда, Абонентнинг Абонентлар билан ишлаш бўлими ёки Call-марказ – техник қўллаб-қувватлаш хизматида йўлланган сўровига биноан, йўқотилган маълумотлар тўғрисида Абонентга қайта хабар бериш ва/ёки паролни ўзгартириш ҳаракати, Абонентнинг паспорт маълумотларини кўрсатган ҳолда, Оператор томонидан амалга оширилади. Оператор, фақатгина Абонент назорат саволига тўғри жавоб бериши шарти билан, Абонентга йўқотилган маълумотлар ҳақида қайта хабар беради ва/ёки паролни алмаштиради.

12.3. Ушбу Шартномада назарда тутилмаган барча масалаларда томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги фуқаролик қонунчилигига амал қиладилар.

12.4. Ф.И.Ш., паспорт маълумотлари, яшаш манзили, алоқа учун телефон рақамлари ўзгарган тақдирда, Абонент бундай ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб, ўн кунлик муддат ичида Операторни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Акс ҳолда, Оператор томонидан Абонентнинг маълум бўлган охириги манзилига ёки алоқа учун факс рақамига юборилган хабар лозим равишда юборилган ҳисобланади.